Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасам ичиб айтаманки, унинг идишлари осмонда, қоп-қоронғу ва булутсиз кечада чиққан юлдузу сайёралар сонидан ҳам кўпроқдир

Абу Зарр разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: Ё Расулуллоҳ, Кавсар ҳовузининг идишлари қандай?, - деб сўрадим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай жавоб бердилар: "Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасам ичиб айтаманки, унинг идишлари осмонда, қоп-қоронғу ва булутсиз кечада чиққан юлдузу сайёралар сонидан ҳам кўпроқдир. У жаннат идишларидан сув ичган одам асло чанқамас. Бу ҳовузга жаннатдан чиққан икки ирмоқ келиб сув қуяди. Ундан сув ичган одам асло чанқамас. Унинг эни бўйидек, Аммон билан Айла орасидаги масофага тенг. Ҳовузнинг суви сутдан оқ, асалдан ширидир".

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Қиёмат кунидаги Пайғамбаримиз Муҳаммад солаллоҳу алайҳи ва саллам ҳовузларининг косаларининг сони, осмондаги юлдуз ва сайёралар сонидан кўра кўпроқ эканлиги ҳақида қасам ичдилар. Юлдузлар ҳилол чиқмаган, булутсиз, зулматли кечада аниқ кўринади. Чунки, ойдин кечада, ҳилол ёғдуси соясида, юлдузлар аниқ кўринмайди. Булут эса юлдузларнинг очиқ кўринишига монеъ бўлади. Жаннат идишларидан ичган одам, ҳеч қачон чанқамайди. Бу идишдан ичгунича бўлган чанқоқ, банданинг охирги чанқоғидир. Бу ҳовузнинг эни бўйига тенг бўлиб, унга жаннатдан икки нов сув қуйиб туради. Ҳовузнинг томонлари тенг бўлиб, узунлиги Шомнинг Балқосидаги Аммон билан, Шомнинг бошқа тарафидаги Айла шаҳригача бўлган масофадек катталикдадир. Кавсар ҳовузининг ранги сутдан оппоқ, таъми эса, асалдан ширинроқдир.

https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65032

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY
لجنة الدعوة الإلكترونية
EDC E-Da'wah Committee